

СУГОРИЛМАЙДИГАН ШАРОИТИДА *CYNARA SCOLYMUS* L. НИНГ АНАТОМИК ТУЗИЛИШИ

З.Б.Номозова, Э.Д.Исомов, Ф.Эркаев, М.Шакарова

Самарканд Давлат университети

*Ушбу мақолада Артишок (*Cynara scolymus* L.) нинг сув танқислигига вегетатив органлари морфологик ва анатомик жихатидан мослашиши ва доривор хусусиятлари ёритилган.*

Cynara* L.** туркуми Кокиутдошлар (Asteraceae***) оиласига мансуб куп йиллик усимлик- дир, унинг 11 тури маълум шу турлардан бири ***Cynara scolymus* L.** дир (тиканли артишок).

Артишок сабзавот экини ҳисобланиб. Унинг йугонлашган гулурни овкат сифатида ишлатилади. Унинг тангачасимон урама барглари этлик, мазали ва турли витаминларга бой булганлиги сабабли пиширилиб ёки хомлигича истеъмол қилинади. Англия, Франция, Испания ва Европанинг бошқа мамлакатларида унинг янги усиб чиккан ёш барглари овкатга таъм берувчи зиравор сифатида ишлатилади. Усимликнинг ёш саватчалари, ширалари, гуллари, барглари, илдизлари ва унинг бошқа қисмларидан олинган сужжликлар буйрак, Корин ва ичак сурункали касалликлари, хусусан, ич қотиши, жигар патологияларида (сарик касаллиги, холецистит ва бошқ.) сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилган. Унинг ширасини асал билан аралаштирилиб, стоматит, болаларнинг тил оқариш, ёрилиш касалликларини даволашда фойдаланганлар.

Артишок жигар ва ут пуфагидаги тошлар, анемия, атеросклероз, қандли диабет, илон захарига қарши даволашда ишлатилади. Унинг таркибида фитокимёвий моддалардан цинарин, цинаропикрин учрайди. Артишокнинг кимёвий таркиби яхши урганилган булиб, тиббиётда катта аҳамиятга эга. Баргларида кафеолхинин кислота, цинарин ва леотеонин моддаларини саклайди. Унинг баргларида тайёрланган экстракта жигардаги >hr суюқдиги нормал ишлаб чиқарилишини таъминлайди. У организмдаги холестерин микдорини пасайтиради.

Cynara scolymus нинг баргларида фитокимёвий моддалардан цинарин, цинаропикрин учрайди. Усимликнинг кимёвий таркиби яхши урганилган булиб, тиббиётда ^{каТМ} эга Баргларида кафеолхинин кислота, цинарин ва леотеонин моддаларини саклайди. Унинг баргларида тайёрланган экстракта жигардаги ут суюқлиги нормал ишлаб чиқарилишини таъминлайди. У организмдаги холестерин микдорини пасайтиради.

Усимлик органларининг турлича узгаришлари уларнинг факатгина систематик ҳолати билан эмас. балки эволюция жараёнида яшаш шароитига нисбатан ҳосил қилган хусусиятларига ҳам узвий боғлиқдир. Шунинг учун систематика, экология, морфология ва усимликшуносликдаги баъзи муаммоларни ҳал этишда анатомик тузилишини муҳим диагностик белгилар

сифатида фойдаланиш мумкин.

Хдккатдан ҳам вегетатив органлар анатомик тузилишининг муҳим таксономик белги сифатидаги аҳамиятини С.Ллимухамедова (1972), А.А.Бутник (1984), Л.А.Шамсувалиевалар (1999) тадқиқотларида қурсатиб утганлар.

Усимликларнинг барглари экологик омилларга жуда таъсирчан бўлади. Турли шароитлар усимликларнинг онтогенезининг ёшлик давларида, айниқса, купрок таъсир қурсатади ва усиш жараёнида усимликлар шу шароитга аста-секин мослаша боради.

Cynara scolymus сув танқислигига вегетатив органлари морфологик ва анатомик жиҳатидан мослаша бориб, органларини тузилишида ксероморф усимликларга хос бўлган белгиларни пайдо қилади. Бу эса онтогенезнинг бошланғич босқичларидан бошлаб уруғпалла барглари тузилишида узғаришлар пайдо бўлишидан бошланади.

Сугорилмайдиган майдонда уруғпалла барглариининг узунлиги 2,5-3,5 см, эни 1-1,5 см га етади. Уруғпалла барг эпидерма хужайраларининг улчамлари кичиклашади, яъни адаксиал эпидерманинг баландлиги $14,3 \pm 0,3$ мкм, абаксиал эпидерма $10,4 \pm 0,3$ мкм ни ташкил этади. Эпидерма деворларининг эгри-бугрилиги орғади ва огизчаларнинг сони купайиб майдалашади. 1мм^2 эпидермада огизчалар сони адаксиал эпидермага нисбатан ($102,0 \pm 2,8$), абаксиал эпидермада куп яъни $139,7 \pm 3,6$ та ни ташкил этади.

Мезофилл туқималарида ҳам бир канча узғаришлар юз бериб, хужайраларининг каторлар сони 2-3 тага купаяди. Уруғпалла баргнинг адаксиал томонида жойлашган устунсимонга u^{xshali} хужайралар узунасига чузилиб, хужайра ораликлари тораяди. Устунсимон хужайраларнинг баландлиги $35,2 \pm 0,4$ мкм, эни $25,9 \pm 0,3$ мкм га етади. Булутсимон туқималарнинг батандлиги эса $25,84 \pm 0,40$ мкм, эни $35,8 \pm 0,3$ мкм ни ташкил этади. Утказувчи най бойламларида найларнинг сони купайиб, деворлари калинлашади, склеренхима туқимаси хужайралар деворлари эрта ёғочланади.

Ассимиляция қилувчи барглари уруғпалла баргларига нисбатан янада сув танқислигига таъсирчан бўлади. Сугорилмайдиган майдонда усаёгган усимлик барглари оддий, кенг наштарсимон бўлиб, чеккалари тишсимон қирқилган, барглариининг узунлиги 45-48 см, эни 15-16 см га етади. Бунда сугорилмайдиган шароитда абаксиал эпидерма хужайралари, адаксиал эпидерма хужайраларига нисбатан майдарок ҳамда огизчалар сони ҳам купрок- Барг мезофили хужайралар каторлари сони ошиши натижасида калинлашади, адаксиал томонидаги устунсимон туқималар торайиб узаяди, булутсимон туқималарнинг каторлар сони 1-2 тага купаяди. Устунсимон туқиманинг баландлиги $35,7 \pm 0,4$ мкм, эни $9,1 \pm 0,2$ мкм, булутсимон туқима эса $11,4 \pm 0,3$ мкм баландликка эга бўлиб, эни $20,6 \pm 0,5$ мкм га етади.

Хулоса қилиб айтганда, сугорилмайдиган майдондаги усимликларнинг уруғпалла барги ва баргининг анатомик тузилишида ксероморф белгилари пайдо бўлади, яъни барг эпидермаси хужайраларининг улчами кичраяди,

деворларининг эгри-бугрилиги ва огизчалар сони ортади.